



FACTORS FOR ENSURING GENDER EQUALITY IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY AND THEIR SOCIAL SIGNIFICANCE

Kamola Usmanjonovna Sharipova

Doctoral student

Fergana State University

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Gender issues, feminism, the Tuzilis hierarchy, SIGNA global, soglik hizmati, the World Economic Forum, UNICEF, gender context.

Received: 03.10.25

Accepted: 04.10.25

Published: 05.10.25

Abstract: Gender equality, like gender equality, is currently one of the basic principles in post-Soviet countries, including in countries where gender identity is socio-political and Zionist. It proposed several approaches to defining gender equality, as well as the role of women in social and social development.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Камола Усмонжоновна Шарипова

Таянч докторант

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Гендер муносабатлар, феминизм, ийерархик тузилиш, СИГНА глобал соғлиқ хизмати, Жаҳон Иқтисодий форуми, ЮНИСЕФ, гендер контекст.

Аннотация: Ушбу мақолада ижтимоий ҳаётда гендер муносабатларни, хусусан, гендер тенгликни таъминлаш муҳим принципиал моҳият эканлиги, бугунги кунда постсовет макони мамлакатларида, шу қатори, Марказий Осиёда гендер муаммоси мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммога айланиб улгургани ва уни ҳал этиш муаммолари ҳақида фикрлар ҳамда сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг бир неча йўналишлари таҳлил этилган.

ФАКТОРЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА И ИХ СОЦИАЛЬНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ

Камола Усмонжоновна Шарипова

Докторант

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Гендерные вопросы, феминизм, иерархическая структура, Глобальная служба здравоохранения СИГНА, Всемирный экономический форум, ЮНИСЕФ, гендерный контекст.

Аннотация: В данной статье рассматривается вопрос о том, что обеспечение гендерных отношений в общественной жизни и, в частности, гендерного равенства является важной принципиальной сущностью, о том, что гендерная проблема сегодня в странах постсоветского пространства, в том числе в Центральной Азии, превратилась в сложную социально-экономическую и политическую проблему и о проблемах ее решения, а также вопросы обеспечения гендерного равенства в последние годы, были проанализированы несколько направлений проводимой работы.

Кириш. Ижтимоий ҳаётда гендер муносабатларни, хусусан, гендер тенгликни таъминлаш муҳим принципиал моҳият касб этади. Айнан гендер тенглик демократик тараққиётга эришганликнинг ва фуқаролик жамияти шаклланганлигининг муҳим мезонларидан бири бўлиб қолди. Шунинг учун “бугунги кунда постсовет макони мамлакатларида, шу қатори, Марказий Осиёда гендер муаммоси мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммога айланди. Уни ҳал этиш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини барқарорлаштиради, уларни муваффақиятли модернизатсия қилишга ёрдам беради”[1]. Бироқ, модернизация шароитида ёки ундан бошқа ҳолатларда гендерга барча ижтимоий муаммоларнинг “калити” сифатида қараш, бизнинг фикримизча, бир томонламалик ва соддаликдир. Муаммонинг мураккаблик жиҳати шундаки, жамият ҳаётида гендер муносабатларни амалда шакллантириш кун тартибига оғриқли саволларни қўймоқда. Айтиш мумкинки, бундай саволларнинг марказида гендер тенглик масаласи турибди. Гендер контекста ва юридик процедурада масаланинг моҳияти аниқ. Бироқ, ижтимоий барқарорлик контекстида эса, умуман, бошқача манзара намоён бўлади. Ушбу контекста гендер тенгликни қандай тушунмоқ ва қандай қўлламоқ керак? Умуман, ижтимоий ҳаётга ушбу тенгликни ялпи ва тўлиқ жорий қилиш керакми? Биологик фарқларга асосланган, объектив тарзда амал қиладиган ижтимоий муносабатларнинг баъзи

соҳаларига ҳам уни олиб кириш шартми? У ўзи келтириб чиқарган муаммоларни ҳал этишга қодирми? Ёки гендер Ғарб бўлмаган жамиятлар (масалан, ислом дини ҳукмрон бўлган жамиятлар) билан компромиссга эриша оладими? Бу каби саволларга жавоб бериш долзарб аҳамиятга эга.

Асосий қисм. Бу борада Россиялик сотсиолог олима Светлана Моор ўзининг “Замонавий жамиятда гендер тадқиқотлари” номли мақоласида англиялик олима Бетти Фриданнинг шундай фикрларини келтиради: “Тенглик” принципи жамиятни ёлғон мақсадларга етаклаб, эркаклар ва аёллар олдида бир-бирига ўхшамаган, кўпгина ҳолларда эса, ҳал этиб бўлмайдиган вазифаларни қўяди”[2]. (Масалан, бозор муносабатлари шароитидаги меҳнат тақсимоти уй хўжалигида қандай амал қилади ёки ўғил ва қиз болаларнинг гендер ижтимоийлашуви жараёнига уларнинг биологик фарқлари таъсирлари қандай ҳал қилинади? Ёхуд аёллар ва эркаклар махсус ажратиладиган тузилмалар (армия, жазони ўташ жойлари) гендер муносабатлар доирасига ҳам киритилиши лозимми? Агарда улар бундан мустасно бўлса, у ҳолда гендер тенгликдан не маъно!?). Жуда ғалати парадокс: гендер муаммоларини “тенглик” принципи асосида ҳал этиб бўлмаса, унда шу пайтгача амалга оширилган гендер тадқиқотлари натижалари ва феминизм ғоялари чиппакка чиқмайдими, “тенглик” принциписиз гендер мавжуд бўла оладими ёки уни қандай тушунмоқ керак?

Юқоридаги саволларга жавобларни Бетти Фридан топамиз. У гендер муаммоларини “тенглик” принципи асосида ҳал этиб бўлмаслигини таъкидлаб, унинг ўрнига “мувозанат” принципи ва унга асосланган ўз концепсиясини илгари суриб, шундай дейди: “Гендер баланс ёки мувозанат” концепсияси доирасида гендер сиёсатини индивид ҳаётининг барча томонларини қамраб олувчи ягона “тенг ҳуқуқлилиқ” принципи билан мувофиқликда шакллантириш мумкин эмас. Гендер мувозанатни ташкил этиш мақсадларида инсон ҳаётий фаолиятининг турли хил томонларига дифференциялаштирилган ёндашув таклиф қилинади. Бошқача айтганда, гап уйғун гендер маконини шакллантиришга йўналтирилган у ёки бу муаммоларни ҳал этиш мақсадига эришишнинг турли хил методлари (ихчам ёндашувлар), воситалари ҳақида кетмоқда”[3]. Мисол учун гендер тадқиқотчиларининг доимий диққат марказида турувчи оила ичидаги ва унинг ташқарисидаги муносабатларга гендер тенгликни жорий қилишда юқоридаги концепсияга асосланилса, масала янада ойдинлашади. Чунки оила ўзига хос хусусиятлари, структураси, функцияси, оилавий муносабатларнинг ийерархик тузилишга мойиллиги ва нисбатан барқарорлиги билан бошқа ижтимоий муносабатлар ва институтлардан жиддий фарқ қилади.

Гендер тенглик — мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатор. Янги Ўзбекистон Конституцияси нафақат инсоннинг асосий ҳуқуқи ифодаси, балки тинчлик, фаровонлик, барқарор ривожланишга эришишнинг зарур асоси сифатида гендер тенгликни таъминлаш кафолатидир[4].

Гендер муаммоларини ҳал этишнинг энг оғриқли томони ҳам оилавий муносабатлар соҳасига тегишлидир. Чунки оила индивид ҳаётининг гендер тенглик принципи тўлиқ қамраб ололмайдиган, қатъий равишда ўрнатилган нисбий ийерархик тизимли (ота-оналар ва фарзандлар, ака-укалар, опа-сингиллар ўртасидаги муносабатлар) муносабатлари доирасини ўз ичига олади. Одатда, бундай муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларига қараганда қариндошлик алоқалари билан узвий боғланган бўлиб, унинг замирида руҳий-эмотсионал яқинлик, доимий ва барқарор бўлган ўзаро ишонч, ўта худбинона қарашлар доирасидан четга чиқиб кетувчи самимий ва умумий манфаатларни англаш ётади. Аксинча, деярли ҳар лаҳза юз берадиган ҳаёт учун кураш кундалик ҳаётни зиддиятлар ўпқонига тўлдириб юборади. Жамиятда ўзаро алоқалар манфаатларнинг даражаси ва амал қилиш муддатларига боғлиқ тарзда ташкил этилади. Натижада индивид руҳий жиҳатдан “бегона” муҳитда, ўзаро алоқаларнинг нобарқарор ва ўзгарувчан шароитида ўзини ёлғиз ҳис эта бошлайди ҳамда оила деб аталмиш “паноҳгоҳ”га кучли эҳтиёж сезади. Фақат ундагина руҳий хотиржамлик, сокинликка эришади, ўзининг инсоний қадрини топади. Саусасус Барометер (СБ) томонидан 2013 йилда ўтказилган тадқиқотларга кўра, никоҳи бузилган аёллар ва бевалар ўзларини бахтсиз ҳис қилишларини билдирганлар[5]. Шунингдек, бошқа тадқиқотлар ҳам буни тасдиқлайди. Масалан, СИГНА глобал соғлиқ хизмати компанияси томонидан 2018 йилда АҚШда америкаликларда ёлғизликни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш учун ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, оиласи билан кам мулоқот қиладиганлар ва ёлғиз она/оталар ҳаттоки сўққабошлардан кўра ўзини ёлғиз ҳис қилишар, ёлғизликдан кўпроқ азият чекар эканлар[6].

Шундай экан гендер тенглик оилага олиб кирилар экан, унинг фақатгина дискриминатсия билан боғлиқ можаролари билан чекланиб, қолган “худудлар”га гендер муносабатларнинг экспансияси тўхтатилиши ҳамда дахлсиз деб эълон қилиниши мақсадга мувофиқдир. Яъни, оилавий муносабатлар соҳасини Бетти Фридан илгари сурган “мувозанат концепсияси” асосида гендер қамраб олинадиган ва қамраб олинмайдиган муносабатлар доирасига ажратиш ва улар ўртасида мувозанатни сақлаш нафақат “уйғун гендер макони”ни шакллантиришга хизмат қилади, балки ушбу йўналишдаги муаммоларнинг самарали ечилишига улкан замин ҳозирлайди. Амалда бундай чигал ва бир-бирига жуда мустаҳкам боғланган муносабатларни тоифалаш осон иш эмас. Бунинг учун

ушбу йўналишда кўплаб фундаментал тадқиқотлар (жамиятдаги реал шарт-шароит, индивиднинг индивидуал имкониятлари ва оилага хос хусусият ўртасидаги пропорционалликни, ўзаро таъсир омилларини таҳлил этиш йўналишида) олиб борилиши лозим. Шундагина гендер сиёсатини изчил амалга ошириш имкониятлари пайдо бўлади. Шу маънода оила сотсиологлар талқинидаги ижтимоийлашув агенти ва ижтимоий институт тушунчаси мазмунидан ҳам кенгроқ, теранроқ моҳиятга эга эканлиги яққол намоён бўлади.

Гендер амалиётининг жаҳонда, хусусан, Ғарб дунёсида эришган ютуқ ва камчиликларидан келиб чиқиб, анъанавий жамиятларда гендер муносабатларни шакллантириш борасида баъзи йўналишларни белгилаб олиш ҳам методологик, ҳам назарий-амалий аҳамиятга эга.

Гендер тенглигини таъминлаш бўйича давлат миқёсида ишлаб чиқилган қонунлар ва дастурлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳатто Жаҳон Иқтисодий форуми ўтказган тадқиқот натижаларига қараганда, хотин-қизлар эркакларга нисбатан бир йилда қарийиб 35 кундан кўпроқ ишлар экан. БМТ Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ) тадқиқотларига қараганда эса, қизлар ўғил болаларга нисбатан бирор ишни бажаришда 35-36 фоиз кўп вақт сарфлар экан. Бу ҳали ҳам дунёда гендер тенглигига эриша олинмаётганлигини кўрсатади[7].

Хулоса. Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда:

- аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
- аёлларни ҳимоя қилишнинг институтсионал асосларини такомиллаштириш;
- аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш;
- ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меёрлар асосида ўқитиш[8].

Гендер тенглиги сиёсати давлат ва жамиятга нима беради:

Биринчидан, давлат бошқарув органларида раҳбарлик лавозимига хотин-қизларни тайинлаш кўпаяди;

Иккинчидан, гендер тенгсизлиги мавжуд бўлган давлат органларида аёллар ва эркаклар ўртасида мутаносиблик таъминланади;

Учинчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларда хотин-қизларнинг таълим олиши, ишлаши, ҳунар эгаллаши, умуман олганда, давлат томонидан қўллаб-қувватланишига эришилади;

Тўртинчидан, жамиятда, оилада, меҳнат жамоасида аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўровонликлар олди олиниб, гендер стереотиплари барҳам топади.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, гендер тенглигини таъминлашга қаратилган сиёсат ва қонунчилик кун тартибини шакллантиришда фаол иштирок этиш ҳамда мазкур

жараёнларда етакчи, илғор аёллар имкониятларидан фойдаланиш, барча соҳаларда хотин-кизларнинг фаол ва илғор фаолият олиб боришларига кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва имкониятларини кенгайтириш юзасидан ўзаро фикрлар, тажриба алмашиш, амалий ҳамкорлик ўрнатиш, аёллар билан боғлиқ долзарб муаммолари юзасидан ўзаро маслаҳатлашувлар, мулоқотлар ташкил этиш ниҳоятда муҳимдир. Бунда ижтимоий шерикликка асосланиб, муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш, манзилли ёрдамни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ширматова Г. Формирование гендерного равенства – как фактор модернизации общества// Фалсафа ва ҳуқуқ. 2008. № 1. – С. 84.
2. Моор С.М. Гендерное исследования в современном обществе// Безопасность Евразии. 2001. –№ 1. – С. 192
3. Моор С.М. Гендерное исследования в современном обществе// Безопасность Евразии. 2001. –№ 1. – С. 192
4. https://uza.uz/uz/posts/Ўзбекистон Янги Конституцияси – жамиятда гендер тенгликни таъминлаш кафолати _474061
5. Рамазанова А. Диворсе ратес ин Азербайжан. Саусасус Ресearч Ресourse Сентерс. Жуне 09, 2014. [хтп://сrrс-саусасус.блогспот.сом/2014/06/диворсе-ратес-ин-азербайжан.хтмл](http://сrrс-саусасус.блогспот.сом/2014/06/диворсе-ратес-ин-азербайжан.хтмл).
6. СИГНА У.С. Лонелинесс Индекс. Сурвей оф 20,000 Америсанс Эхамининг Беҳавиорс Дривинг Лонелинесс ин тхе Унитед Статес. www.сигна.сом.
7. Оилавий-ҳуқуқий муносабатларда гендер тенглиги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2021. – Б.7.
8. Ўзбекистон гендер тенгликни таъминлаш бўйича муҳим қадамларни кўймоқда. [хтпс://стратегй.уз/индекс.пхп?news=745](https://стратегй.уз/индекс.пхп?news=745)